


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 13 сентябрь, № 181 (5855) Жума


## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИШКЕККА КЕЛДИ

*БИШКЕК, 12 сентябрь.*
*ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида қатнашиш учун 12 сентябрь куни Бишкекка келди.

Шу куни Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Хитой, Россия ва Тожикистон раҳбарларининг амалий учрашуви бўлди.

ШҲТ саммитининг асосий тадбирлари 13 сентябрга мўлжалланган.

Расмий дастурга мувофиқ ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси тор доирадаги учрашув билан бошланади. Анъанага кўра, мажлис кенгайтирилган таркибда давом этади. Аъзо мамлакатлар раҳбарлари даврасига кузатувчи давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари қўшилади.

Давлатлар раҳбарлари ташкилот фаолиятини янада такомиллаштириш, узоқ муддатли яхши қўшничилик ва дўстлик муносабатларини ривожлантириш, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, ШҲТ маконида иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни фаоллаштириш юзасидан фикр алмашадилар.

Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси якунида Бишкек декларацияси қабул қилиниши, ШҲТ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш ва ривожлантиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбаев билан учрашди. Музокарада Ўзбекистон — Қирғизистон муносабатларига доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

## Хитой оммавий ахборот воситалари ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг Ўзбекистонга давлат ташрифи тўғрисида

*Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг шу йил 8 — 10 сентябрь кунлари Ўзбекистон Республикасига буюрган давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатлар тарихида муҳим воқеа бўлиб қолди. Мазкур ташриф якунлари ўзаро ҳамкорликнинг юқори даражада эканлиги ҳамда уни янада ривожлантиришга бўлган интилишдан далолат беради.*

БИЗ ВА ЖАҲОН

Ташриф олдидан ХХР оммавий ахборот воситалари бунга жуда катта эътибор қаратди. Хусусан, 8 сентябрь куни **“Синьхуа” ахборот агентлиги** ўзаро ҳамкорликнинг кўп қиррали йўналишлари, жумладан, икки томонлама муносабатларни чуқурлаштириш истиқболлари ҳамда стратегик шерикликни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан Хитой Халқ Республикасининг Тошкентдаги элчихонаси вакиллари билан бўлиб ўтган суҳбатни эълон қилди.

Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Чжан Сяо ўз интервьюсида ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг юртимизга ташрифи Ўзбекистон — Хитой муносабатларида тарихий воқеа бўлиб қолажагига умид билдирди. Унинг таъкидлашича, ташриф “икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун пухта замин яратади, уни сифат жиҳатдан янги даражага кўтаради ҳамда минтақада тинчлик, барқарорлик ва тараққиёт таъминланишига ўз ҳиссасини қўшади”.

Шунингдек, дипломат мамлакатларимизнинг кўп томонлама тузилмалар ва ташкилотлар, жумладан, БМТ ҳамда ШҲТ доирасида яқин ҳамкорлик қилаётганини қайд этди. ШҲТ доирасидаги биргаликдаги саъй-ҳаракатлар икки томонлама стратегик муносабатларнинг муҳим таркибий қисми бўлиб қолди, дея таъкидлади Чжан Сяо.

Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси маслаҳатчиси Ван Кайсюань эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йили Хитойга буюрган расмий ташрифи икки мамлакат ўртасида стратегик ҳамкорлик ўрнатиш имконини яратгани баробарида, савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришга кучли туртки берганини билдирди.

Унинг ҳисоблашича, икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатларимиз намуна бўладиган алоқалар сирасига киради, чунки кейинги пайтларда икки мамлакатнинг сармоялар соҳасидаги ҳамда нохом ашё жабҳасидаги ўзаро ҳамкорлигида сифат ўзгаришлари кузатилаётир. Ван Кайсюань ижобий ҳамкорликнинг мисоли сифатида “Жиззах” махсус индустриал зонасини тилга олар экан, у ерда ҳозирнинг ўзидаёқ хитойлик сармоядорлар иштирокида тўртта лойиҳа амалга оширилаётгани, жорий йил охирига қадар яна учта лойиҳа ҳаётга татбиқ этилишини айтди.

Шу билан бирга, ХХР оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, Хитой ва Ўзбекистон “1992 йили ўзаро дипломатия муносабатлари ўрнатгани ҳолда, икки томонлама муносабатларнинг ўсувчан ва барқарор ривожланиши учун қулай тамойиллар қўллаб-қувватланишига доимий равишда кўмаклашиб келаяпти. Икки мамлакат ўртасида олий даражадаги алоқалар фаоллашаётир, ўзаро сиёсий ишонч борган сари кучаймоқда”.

ХХР Раиси Си Цзиньпин Тошкентга келгач, 9 сентябрь куни “Синьхуа” унинг интервьюсини тарқатди. Унда таъкидланганидек, “Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги анъанавий дўстлик ўз илдизлари билан узоқ ўтмишга бориб тақалади. Халқларимиз 2000 йилдан кўпроқ давр муқаддам Буюк Ипак йўлида бир-бири билан яқин алоқада бўлганлар. Дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан буён ўтган 21 йил давомида томонларнинг умумий саъй-ҳаракати туфайли Хитой — Ўзбекистон муносабатлари барча соҳаларда изчил ривожланмоқда.

**(Давоми 2-бетда).**



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Фуқаролар йиғинлари раислари ва улар маслаҳатчиларининг ваколатлари муддати шу йил ноябрь — декабрда тугаши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддаси, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддаси ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8, 10 ва 11-моддаларига мувофиқ, мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига навбатдаги сайловни ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда. Бу йил 9756 нафар фуқаролар йиғини раисини ва уларнинг 97 минг нафардан ортиқ маслаҳатчисини сайлаш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг шу йил 12 сентябрда бўлиб ўтган мажлисида фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, ўтган давр мобайнида ўтказиб келинган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилишда талабчанликни кучайтириш мактабига айланди.

2013 йилда янги таҳрирда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг қоидалари амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2013 йил 14 июндаги қарори билан фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш масалалари бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишини ташкил этишни назарда тутувчи тегишли тадбирлар режаси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига тавсиялар тасдиқланиб, уларга мувофиқ ушбу қонунларнинг моҳияти ва мазмунини аҳолига кенг миқёсда етказишга қаратилган тизимли иш олиб борилди.

**(Давоми 2-бетда).**

*Тошкентда Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Венгрия ҳукуматлараро комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.*

## ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, банк-молия, иқтисодиёт, савдо-саноат, сармоя, сув хўжалиги, озиқ-овқат саноати, фармацевтика, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари, комиссия ҳамраиси Б. Абдусаматов Ўзбекистон билан Венгрия ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Икки давлат ўртасидаги иқтисодий муносабатлар савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик, инвестицияларни ўзаро ҳимоя қилиш ҳамда рағбатлантириш, автомобилда халқаро йўловчи ва юк ташишга оид қатор ҳукуматлараро битимларга асосланади.

Ўзбекистон билан Венгрия ўртасида савдо соҳасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий этилган. Ўзбекистон Венгрияга ўғитлар, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари, хизматлар ва бошқа маҳсулотларни экспорт қилади. Фармацевтика маҳсулотлари, механик ускуналар, оптик асбоблар ва аппаратлар ҳамда бошқа маҳсулотларни импорт қилади.

**(Давоми 2-бетда).**

## КИЧИК БИЗНЕСНИНГ КЕНГ ИМКОНИЯТЛАРИ



*Қоракўл туманида жойлашган “Қоракўлгардентекс” масъулияти чекланган жамияти — илғор ишлаб чиқариш субъектларидан бири. Мазкур корхонанинг трикотаж маҳсулотларини нафақат вилоятда, балки Самарқанд, Қашқадарё ва Хоразм томонларда ҳам маъқул кўриб, харид қилишади.*

ИНТИЛИШ

— **Н**егаки, бизнинг маҳсулот сифатли ва арзон, қолаверса, хорижники билан рақобатбардош, — дейди МЧЖ мутасаддиларидан бири Рустам Мўминов. — Фаолиятимизни бошлаганимиздан буён шунга жиддий эътибор қаратмоқдамиз. Жуда қулай сармоявий муҳит туфайли ишимиз юришиб кетди. Дастлаб бизнес лойиҳа устида ишладик. Шундан сўнг бизни туман ҳокимлиги қўллаб-қувватлаб, ер майдони ажратиб берилди. Кўриб турганингиздек, ташландиқ бу жойни ободонлаштираяпмиз. Корхонамиз Германиянинг замонавий дастгоҳлари билан жиҳозланган. Хом ашё сотиб олиш масаласида банк ёрдам қўлини чўзди. 200 миллион сўм миқдорида кредит олдик.

Корхона қисқа муддатда буюртмачилар ишончини қозонди. Айни пайтда “Қоракўлгардентекс” мамлакатимиздаги ўндан зиёд ишлаб чиқариш субъектига мато етказиб бермоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида у ўз ҳамкорларини 126 миллион сўмлик маҳсулот билан таъминлади. 15 киши меҳнат қилаётган кичик корхонанинг самарали фаолият кўрсатаётганини замонавий дастгоҳлар ва тўқувчиларнинг малакаси юқори экани билан изоҳлаш мумкин.

**(Давоми 2-бетда).**



## Шу йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**19,1** **мингта фойдаланилмаётган давлат мулки объекти ижарага берилди.**

Кичик бизнесни ривожлантириш учун имкон қадар қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш ва тадбиркорликка кенг эркинлик беришга қаратилган чора-тадбирлар доирасида амалга оширилган бу ишлар натижасида кўплаб истиқболли лойиҳалар ҳаётга татбиқ қилиниб, пировардида кичик корхоналар сони кескин кўпайди.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

## Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддаси, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддаси, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8, 10 ва 11-моддаларига мувофиқ, шунингдек, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг ваколат муддати 2013 йил ноябрь — декабрда тугаши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши **қарор қилади**:

1. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг навбатдаги сайловини ўтказиш муддати 2013 йил ноябрь — декабрь ойлари этиб белгилансин.

2. Бўлажак сайловда 9756 нафар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг 97 минг нафардан зиёд маслаҳатчиси сайланиши режалаштирилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. 2013 йил ноябрь — декабрда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир тадбирлар режаси 1-иловага мувофиқ; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига 2013 йилнинг 1 октябригача бўлган муддатда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияларни тузиш;

**(Давоми 2-бетда).**

# Хитой оммавий ахборот воситалари ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг Ўзбекистонга давлат ташрифи тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Икки давлат ўртасидаги абадий дўстлик ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш — мутлақо тўғри бўлган стратегик танлаш эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатаётир. Мен Президент Ислом Каримов билан бўладиган музокара ва учрашувларни орзиқиб кутмоқдаман. Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги стратегик шерикликни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш, икки мамлакатнинг барча соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорлигини кенгайтириш, шунингдек, ўзаро қизиқиш касб этадиган муҳим халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан батафсил фикр алмашувлар ташриф кун тартибидан жой олган. Аминманки, томонларнинг муштарак саъй-ҳаракатлари натижасида ушбу ташриф муваффақият билан якунланиши баробарида, Хитой ҳамда Ўзбекистон ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари нуфузининг янада ошиши учун кучли туртки бўлиб хизмат қилади".

**"Guangming Daily" газетаси** ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг Ўзбекистон Республикасига ташрифини ёритишда давом этар экан, эксперт Син Гуанчэннинг "Хитой — Ўзбекистон муносабатларининг истиқболлари" сарлавҳали мақоласини эълон қилди. Унда қайд этилишича, Си Цзиньпиннинг Ўзбекистонга ташрифи Хитой ва Ўзбекистоннинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларини янада ривожлантиришга кўмаклашади.

Муаллиф дипломатия муносабатлари ўрнатилган дастлабки кунларданоқ Хитой ва Ўзбекистон Ҳамкорликнинг асосий тамойиллари тўғрисидаги Қўшма баёнотни, Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги шартномани имзолагани ҳамда улар биргаликдаги саъй-ҳаракатларини янада фаоллаштириш учун ҳуқуқий доирани яратганини, Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги Қўшма декларациянинг имзоланиши эса икки томонлама ҳамкорликни стратегик шериклик даражасига олиб чиққанини таъкидлайди.

Син Гуанчэн томонларнинг икки давлат раҳбарлари ташаббуси билан тузилган Ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Хитой ҳукуматлараро қўмитаси ва унинг сиёсат, хавфсизлик, иқтисодиёт, молия, қишлоқ хўжалиги, транспорт, энергетика, маданият, фан ва техника масалалари бўйича кичик қўмиталари доирасида икки томонлама муносабатларни фаол равишда ривожлантираётганини қайд этади.

Мақола муаллифи ёзганидек, томонлар ўртасида минтақавий хавфсизликни таъминлашда, жумладан, "уч ёвуз куч"га, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши ҳамда уюшган жиноятчиликка қарши кураш соҳаларида фаол ҳамкорлик қилинмоқда.

Син Гуанчэн мақола якунида Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик икки томонлама ҳамда кўп томонлама шаклларда Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга бундан кейин ҳам кўмаклашишига ишонч билдиради.

**"Жэньминь Жибао" газетаси** "Хитой — Ўзбекистон амалий ҳамкорлигининг янги босқичи" сарлавҳали мақолани эълон қилди. Унда таъкидланганидек, дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан буён томонлар яқин алоқаларни қўллаб-қувватлаётгани ҳолда сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар муносабатларни изчил ривожлантиришмоқда.

Хитой компаниялари вакилларининг фикр-мулоҳазаларини баён этар экан, нашр икки мамлакат ўртасида яқин ва дўстона муносабатлар юзага келгани малакали ишчи ресурсига, жуда мақбул сармоявий муҳит, барқарор ички сиёсат ва қулай жуғрофий жойлашувга эга бўлган Ўзбекистонда бизнес олиб бориш учун ажойиб имконият яратганини маълум қилади.

Мазкур мақолада Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти вакили Су Чаннинг қуйидаги фикрлари ҳам келтирилади: "Хитой ва Ўзбекистон долзарб халқаро ҳамда минтақавий масалалар юзасидан яқин алоқани қўллаб-қувватламоқда, иқтисодиёт, энергетика, савдо-сотиқ ва ўзаро қизиқиш касб этадиган бошқа соҳаларда ҳамкорликни фаол ривожлантираяпти".

ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг Ўзбекистонга давлат ташрифи тафсилотлари ва икки томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштириш истиқболлари мавзуси Хитой оммавий ахборот воситаларида, жумладан, **"Синьхуа" ахборот агентлиги**, **"Global Times"**, **"China Daily"**, **"Жэньминь Жибао"**, **газеталари, Хитой ахборот интернет-маркази**, **Хитой халқаро радиоси** ва бошқа нашрлар томонидан кенг ёритилди.

Эълон қилинган материалларда қайд этилишича, учрашувлар чоғида икки давлат раҳбарлари Си Цзиньпин ва Ислом Каримовнинг ўзаро муносабатларни ривожлантириш, шунингдек, томонларни қизиқтирадиган ўта муҳим ва долзарб минтақавий ҳамда халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан самимий, чуқур фикр алмашувлари бўлиб ўтди.

Таъкидланганидек, томонлар Ўзбекистон — Хитой муносабатларини янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг кенг доирадаги масалалари бўйича муҳим келишувларга эришдилар.

**"Жэньминь Жибао" газетаси**да ёзилишича, "Икки давлат раҳбарлари томонидан қабул қилинган Стратегик шерикликнинг икки томонлама муносабатларини янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги Қўшма декларация Хитой — Ўзбекистон муносабатларини янги баландликка олиб чиқишга кўмаклашади". Шунингдек, "имзоланган Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ўзаро муносабатлар тараққиётининг тамойиллари ва йўналишларини белгилаб бериши" ҳам қайд этилган. Мазкур газетада қабул қилинган Стратегик шерикликнинг икки томонлама муносабатларини янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги Қўшма декларациянинг тўла матни чоп этилган.

**"Синьхуа" ахборот агентлиги** тарқатган хабарга кўра, Марказий Осиёдаги биринчи Конфуций институти 2005 йили Тошкентда очилган эди. ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида "Буюк Ипак йўли чорраҳаси"даги Самарқанд шаҳрида Конфуций институтини ташкил этиш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Шу билан бирга, агентлик икки мамлакат ўртасидаги прагматик ҳамкорликни мустаҳкамлаш юзасидан ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг бешта таклифини тақдим этади. Унинг фикрича, "биринчидан, ҳар икки томон 2017 йилга бориб товар алмашувлар ҳажмини 5 миллиард долларгача ошириши, яқин вақт ичида эркин савдо ҳудудини яратиш ва ўзаро сармояларни кенгайтириш бўйича Хитой — Ўзбекистон музокараларини бошлаш лозим; иккинчидан, энергетика соҳасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш, "Хитой — Ўзбекистон" газ қувурининг узоқ муддат бехатар ва барқарор ишлашини таъминлаш, газ ишлашда ёқиладиган сланец ўзлаштирилишида ҳамда қайта янгиланадиган энергия манбаларини қидиришда ҳамкорликни кенгайтириш керак; учинчидан, икки мамлакат инфратузилмалари ўртасида транспорт-коммуникация алоқаларини кенгайтиришга кўмаклашиш ва "Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон" темир йўли ҳамда автотрассасини имкон қадар тезроқ очиш керак; тўртинчидан, махсус саноат туманини ва намунали аграр комплексни биргаликда барпо этиш, икки давлат ўртасида миллий валюталардаги ўзаро ҳисоб-китобларни кенгайтириш ҳамда илмий-техникавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш лозим; бешинчидан, икки давлат ўртасидаги маданий-гуманитар алмашувларга кўмаклашиш, йилни муайян мавзуга бағишлашни биргаликда ташкил қилиш ва ўтказиш, бродарлашган вилоятлар ва шаҳарлар сафини кенгайтиришга кўмаклашиш керак".

Шунингдек, томонлар имзолаган ҳужжатлар, Хитой етакчисининг Ўзбекистондаги учрашув ва музокаралари матнлари ҳамда бошқа маълумотлар ҳам мазкур ахборот агентлиги материалларида ўз аксини топган.

**"China Daily" газетаси** Хитойнинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Гао Юйшэньнинг "Мустақил Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 1992 йили Хитойга ташриф буюрган МДҲ маконидаги биринчи давлат раҳбари бўлди. Бу ташриф икки томонлама муносабатлар учун яхши заминга асос солди", деган фикрларини келтиради.

"Гарчи ХХР Раиси Си Цзиньпин илк маротаба Марказий Осиё мамлакатларига ташриф буюраётган бўлса-да, илгари у бир неча бор Ислом Каримов билан учрашган, бунинг натижасида улар ўртасида яқин муносабатлар шаклланган", дейди Гао Юйшэнь. Унинг сўзларига қараганда, "Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликнинг муҳим жиҳатларидан бири, бу — икки давлат етакчилари ўртасидаги чуқур ўзаро ишонч бўлиб, у икки томонлама алоқаларнинг муваффақиятли тараққиётини таъминлади ҳамда ўзаро қизиқиш уйғотадиган масалалар юзасидан "чуқурлашган консенсусга эришиш" имконини берди. "Уч ёвуз куч" билан кураш соҳасидаги самарали ҳамкорлик бунинг яққол далилидир".

**«Жаҳон» АА.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2013 йилда бўлажак фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови юқоридаги қонунлар нормаларининг талабларига мувофиқ, давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларини демократлаштириш ва либераллаштириш, кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнлари чуқурлашиб бораётган, сифат жиҳатидан янги ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий шароитда бўлиб ўтади.

Муҳокама жараёнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг аъзолари томонидан таъкидлаб ўтилганидек, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасидаги энг муҳим талаблар ҳамда мақсадли вазифалар фуқаролар йиғинларининг органларини шакллантиришда кенг иштирок этиш борасидаги фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини тўла-тўкис рўёбга чиқариш учун ташкилий-ҳуқуқий шароитларни таъминлашдан, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари сайлови жараёнининг барча иштирокчилари томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига сўзсиз ва оғишмай риоя этилишидан, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига номзодлар билан, уларнинг ишчанлик ва ахлоқий фазилатлари билан фуқароларни таништиришдан иборат. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловни демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳамда кучли фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ғоят муҳим омили бўлган ошкоралик, муқобиллик ва тенг сайлов ҳуқуқи принциплари асосида тайёрлаш ва ўтказишнинг боришини кенг ёритиш бўйича самарали ахборот-таҳлил ишини олиб бориш, шунингдек, сайлов жараёнига ёшлар ва хотин-қизларни фаол жалб этиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш талаб қилинади.

Масалани муҳокама қилиш якунлари бўйича олдинги сайловларнинг тажрибасини ва қонун ҳужжатларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилиб, унда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш муддати қилиб 2013 йил ноябрь — декабрь ойларини белгилади, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир тадбирлар режасини тасдиқлади.

Шунингдек, Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиясини тузди, унинг таркибига парламент иккала палатаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази, бошқа вазирлик ва идораларнинг вакиллари киритилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.**

# ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳукуматлараро комиссия мажлисида Ўзбекистон ва Венгрия ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини оширишдан, кенг кўламли савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтиришдан, мавжуд салоҳиятни янада фаолроқ ишга солишдан манфаатдор эканлиги таъкидланди. Мамлакатларимиз илм-фан, маданий-гуманитар, шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш борасида катта салоҳиятга эга.

Музокарада Венгрия делегацияси Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётни ривожлантириш йўлида изчиллик билан олиб борилаётган ислоҳотлар самаралари, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва "Ангрен" махсус индустриал зонасида сармоядорлар учун яратилган қулай имкониятлар билан таништирилди.

— Ўзбекистон Венгриянинг Марказий Осиёдаги энг муҳим ва йирик ҳамкорларидандир, — деди Венгрия Республикасининг ташқи ишлар ва ташқи иқтисодий фаолият бўйича давлат котиби, комиссия ҳамраиси Питер Сиярто. — Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш учун мамлакатларимиз ўртасида зарур ҳуқуқий асослар яратилган. Истиқболда мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солган ҳолда, икки томон учун ҳам манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш тарафдоримиз.

Музокарада ўзаро ҳамкорликда қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Савдо, иқтисодиёт, сармоя, банк-молия, сайёҳлик, соғлиқни сақлаш, озиқ-овқат, фармацевтика, электр техникаси, тўқимачилик каби йўналишлардаги ҳамкорликни ривожлантиришга доир масалалар муҳокама қилинди.

Шу куни Ўзбекистон ва Венгрия ишбилармон доираларининг бизнес форуми бўлиб ўтди. Унда икки мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти, мавжуд имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланиш юзасидан фикр алмашилди. Савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш, мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига Венгрия компанияларини кенг жалб этиш масалалари муҳокама қилинди.

**Нодира МАНЗУРОВА, ЎзА мухбири.**

# КИЧИК БИЗНЕСНИНГ КЕНГ ИМКОНИЯТЛАРИ



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— "Terrot" русумли дастгоҳларимиз сифатли маҳсулот ишлаб чиқариши, электр энергиясини нисбатан кам сарфлаши билан турдошларидан ажралиб туради, — дейди цех бошлиғи Ғофур Искандаров. — Қолаверса, ишчиларимизнинг малакаси юқори. Сарвара Ҳамдамова, Раъно Рўзиева, Нафиса Ҳайдарова сингари тўқувчиларимиз қисқа муддатда бу ускуналарда ишлаш сирларини ўрганиб олишди.

— Қипчоқ қишлоғиданман, — дейди ўзини Ҳилола Рустамова деб таништирган қиз. — Туманимизда шундай замонавий корхонанинг иш бошлаганини эшитиб, "Бу айни менбоп корхона экан" деган фикрга келдим. Ҳозир шу ерда ишлаётганимдан мамнунман.

"Қоракўлгарден-текс" тадбиркорлари эндиликда лойиҳанинг иккинчи навбатини барпо этиш саъй-ҳаракатида. Мақсад — фаолиятни кенгайтириш, қувватларни лозим даражага етказиб, маҳсулотни экспортга йўналтириш. Шу ниятда банкдан 400 миллион сўм кредит олинди. Германия ва Италиядан 190 минг АҚШ доллари эвазига замонавий дастгоҳлар харид қилинаяпти.

Айтиш ўринлики, туманда шу каби янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш эвазига жорий йилнинг дастлабки олти ойида 34,1 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари тайёрланди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 14,9 фоизга кўпдир.

**Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

## Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларига фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига кўмаклашиш, зарурат бўлганда уларни бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлаш;

халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларига ўз сайлов округларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловни тайёрлаш ва ўтказишни ташкил этишда фаол иштирок этиш;

оммавий ахборот воситаларига фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш жараёнини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар томонидан ўтказиладиган тадбирларда фаол иштирок этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси ўтказилган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги ахборотни умумлаштирсин ҳамда 2014 йил 15 январга қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгашига сайлов якунлари тўғрисида ахборот берсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси** **И. СОБИРОВ**

Тошкент шаҳри, 2013 йил 12 сентябрь

## ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Экоҳаракат депутатлари гуруҳи ҳамда Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамкорлигида юртимизда экологик туризмни ривожлантириш имкониятларига бағишланган семинар ўтказилди. Унда қуйи палата депутатлари, тегишли ташкилот ва идоралар вакиллари иштирок этди.*

# ЭКОТУРИЗМ ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Таъкидланганидек, юртимизда иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларидан бири бўлган ҳамда халқимиз ноёб маънавий бойлиги ва тарихий меросини тарғиб қилиш воситаси ҳисобланган сайёҳлик изчил ривожлантирилаяпти. Бунинг учун зарур ташкилий-ҳуқуқий пойдевор яратилиб, у изчил такомиллаштириб борилаётир. "Туризм тўғрисида"ги Қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, уларнинг ижроси доимий назоратга олинган.

Давлатимиз томонидан бу борадаги саъй-ҳаракатларни янги босқичга олиб чиқиш учун зарур шарт-шароит, инфратузилма яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жаҳон андозаларига мос меҳмонхоналар сони, транспорт ва сервис хизматлари кўрсатиш ҳажми ҳамда сифати ошиб бораяпти. Хусусан, бугунги кунда республикамизда 700 дан зиёд туристик компаниялар, 240 та меҳмонхона, кўплаб сайёҳлик базалари ва кемпинглар фаолият кўрсатаётир.

Маълумотларга қараганда, дийримизга келаётган хорижлик сайёҳлар сони йилдан-йилга кўпайиб, уларнинг қарийб 60 фоизи Европа давлатлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда одамларда муайян бир мавзуга асосланган йўналишлар бўйича саёҳат қилиш истаги кучайиб бораяпти. Масалан, туристлар бирор минтақани ёки мамлакатни тўлалигича эмас, балки ўзига хос жиҳатлари, қадриятлари, флора ва фаунасини кўришга қизиқмоқда. Бинобарин, айни пайтда экологик туризмни жадал равнақ топтиришни даврнинг ўзи тақозо этаётир.

Қувонарлиси, Ўзбекистон ўзининг туристик салоҳияти юқорилиги бўйича дунёда етакчи ўринларни эгаллайдиган мамлакатлар қаторида туради. Чунончи, республикамиз ҳудудида турли даврларда бунёд этилган тўрт мингдан ортиқ меъморчилик, тарихий ва табиий ёдгорликлар, экотуризм билан боғлиқ бўлган бетакрор гўзал ландшафтлар, хилма-хил ноёб ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёси мавжуд.

Айни чоғда юртимизга келаётган ёши 50 дан ошган сайёҳларнинг 41 фоизи энг хушманзара ва табиий ландшафтлар яхши сақланиб қолган масканларни томоша қилиш истагида эканликларини билдиришган.

Шу ўринда экологик туризмга таъриф берадиган бўлсак, қайд этиш жоизки, ушбу соҳа муайян ҳудуднинг инсон таъсирига жуда кам учраган ёки деярли учрамаган қисмларидаги ноёб табиат ва маданий-этнографик хусусиятларни, у ердаги экотизимларга салбий таъсир этмасдан туриб, ўрганишдир. Бинобарин, мазкур жабҳа табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг янги амалий кўринишларидан бири, атроф-муҳитни асраб-авайлашни тарғиб қилишнинг самарали воситаси сифатида ҳам аҳамиятлидир.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатига олинган туристик корхоналарининг атиги 5 фоизи экотуризмга йўналтирилган бўлиб, улар ҳам, асосан, тор доирада фаолият юритмоқда. Чунончи, овчилик, балиқчилик сафари каби хизматлар кўрсатувчи туристик фирмалар мавжуд. Шулар баробарида, бир қатор турфирмалар аралаш турдаги сайёҳлик хизматларини таклиф қилмоқда. Кўриниб турибдики, республикамизда ушбу тармоқнинг ҳуқуқий-ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, уни мустақил соҳа сифатида жадал ривожлантириш, малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш давр талабидир.

Семинарда шулар ҳақида сўз бориб, бир қатор фикр-мулоҳазалар билдирилди. Якунда кўрилган масала бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Саиджон МАХСУМОВ.**

*Дарёлар тоғлардан бошланиб, денгизларга қуйилади. Бир қарашда, бу жуда оддий жараёндек, лекин унга теран нигоҳ ташласангиз, улкан маъноларни тушуниб етасиз...*
*Истиқлол биз учун аждодларимизнинг улуғвор орзуларидан ирмоқланиб, қирғоқларни тўлдириб, мавжланиб оқаётган азим бир дарёдир. Биз, ҳеч иккиланмай, уни яратувчанлик, яшнатувчанлик ва дилларда илҳому иштиёқ уйғотувчи азиз бир дарё англаймиз.*

# УЛУҒ НЕЪМАТ ҚАДРИ

Буюк бобомиз Алишер Навоийнинг шундай сатрлари бор:

*Тухм ерга кириб, чечак бўлди,*
*Қурт жондин кечиб, ипак бўлди.*
*Лола тухмича ғайратинг йўқму,*
*Ипак қуртича ҳимматинг йўқму?*

Қандай оддий ва улуғ ҳикмат. Бобомиз бу билан "Ҳатто шунчалар ҳақир нарсаларнинг ҳам улуғ мақсадлари бор, ахир сен инсонсан-ку, шуларчалик ҳам бўлолмайсанми", дея насиҳат қилади. Дарҳақиқат, бизда азал-азалдан эл-юртга фидойилик, Ватанга садоқат ва меҳру муҳаббат мана шундай авж пардаларда куйланган. Халқимиз яратувчанлик ва бунёдкорликни умр мазмуни, деб билган.

Бугун мамлакатимизда қарор топган барқарор тинчлик, осойишталик ва келажакка ишонч руҳи ҳам бундан йигирма икки йил аввал экилган инсонпарвар сиёсат уруғларининг чечаклари эканини барчамиз бирдек англаймиз.

Гап инсонпарварлик ҳақида кетганда, ҳеч шубҳасиз, мустақиллик остонасида Президентимиз томонидан амалга оширилган муҳим бирислоҳот — кишиларга томорқа ажратиш ҳақидаги қарор ёдга тушади.

Замон оғир эди. Уйлар бўсағасигача бостириб келган пахта пайкаллари ва сурункали оғир меҳнат одамларни ҳолдан тойдирган, эртанги кунга ишончи, орзу-умидларини сўндириб қўйганди. Тирикчилик ҳаминқадар, фарзандларни уйлаш, ўқитиш, уларга ҳовли-жой солиш ҳақида ўйлаш ҳар бир оддий одамнинг қалбига оғриқ берарди. Ўша оғир ва қийин кунларда Юртбошимиз кўрсатган азму шижоат, жасорат миллионлаб қалбларда келажакка умид уйғотди.

Бугун мазкур қарор мамлакатимиз ғалла мустақиллигини таъминлаш йўлидаги илк дадил қадам бўлганлигини ҳам англаб етмоқдамиз. Маъжозий айтганда, тухум ерга кириб, чечак бўлди. Қурт жондан кечиб, ипак бўлди...

Энди ҳамма гап шу юртни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ҳақида борар экан, мустақил Ватан халқимизга мисли кўрилмаган қадру қиммат бахш этганини ҳам таъкидлаш керак.

Бу шундан иборатки, бугун мустақил ва озод диёрнинг ҳуқуқлари тўла кафолатланган фуқаросимиз. Дунёнинг исталган

Халқ сўзи
Народное слово
ТАНЛОВИГА

жойида мана шу ҳимоя остида бошимизни адл кўтариб гапира оламиз. Юртимиз эгаллаётган марралар, халқимиз эришаётган муваффақиятларни дунё аҳли кўриб-билиб турибди. Жамиятнинг барча соҳаларида тубдан ўзгаришлар содир бўлди. Жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаганимизни ҳозирги нотинч асрда тобора тақчиллашиб бораётган барқарорлик, ривожланиш суръатлари, фаровонлик ва энг асосийси, халқимизнинг қатъияти, эртанги кунга бўлган ишончи ҳам яққол ифода этиб турибди. Мазкур ишонч ва шукроналик яқинда нашр этилган "Президентга мактублар" китобидан ўрин олган оддий кишиларимизнинг дил изҳорларида ҳам ўз аксини топган.

Гоҳида дунёда бўлаётган воқеаларни, турли юртлардаги одамларнинг туриш-турмушини таққослаб кўришга чоғланасан, киши. Мана шундай паллада айрим ўлкаларда турли манфаатларнинг тўқнашуви оқибатида келиб чиққан қарама-қаршиликлар ва бўҳронларни кўриб, юртимиздаги бугунги тинчлик-хотиржамликдан Яратганга ботбот шукроналар айтасан.

Дунё мамлакатлари аро ўз мустаҳкам позициясига эга бўлиш, аслида, барча соҳаларнинг тубдан янгиланиши, замонавий талабларга мослашиш билан бирга, энг асосий ва туб тамал — юртимизда тинчлик-осойишталикнинг ҳукм суриши ва оқилона сиёсат туфайлидир. Шу ўринда яқинда Президентимизнинг жаҳоннинг турли етакчи нашрларида чоп этилган ва дунё ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотган "Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак" рисоласи мамлакатимизнинг дунё давлатлари аро тутган қатъий тинчликпарварлик позициясини намоён этувчи муҳим бир дастуриламал, десак, хато бўлмайди.

Мазкур рисолада бугун чайқалиб турган нотинч олам аро инсон учун энг кераклим неъмат — тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик ва осойишталик экани, одам боласи ҳаётга келар экан, ўзаро ҳамжиҳатлик ва меҳру муҳаббат инсон деган шарафли номга муносиб бўлиб яшашнинг бирдан-бир йўли экани, Ўзбекистон ўзининг тинчликпарварлик, ўзаро ҳурматга асосланган қўшничилик муносабатларида, яратувчанлик ва бунёдкорлик ишларида бундан буён ҳам собитқадамлик билан давом этиши очиқ-яққол айтиб ўтилган. Халқимизнинг феъл-атворини, юксак қадриятларини намоён этган мазкур рисола дунёдаги кўплаб давлатларнинг босма ва электрон нашрлари бош саҳифаларидан ўрин олгани, турли ўлкалардаги нуфузли даргоҳларнинг профессорлари ҳамда олимлари томонидан эътироф этилгани бежиз эмас.

Дастурхонимизда ёқимли ис таратиб турган, далаларимизда етиштирилган буғдойдан ёпилган янги нон — ўз нонимиз ҳам чўнг маъноларга ишора қилиб тургандай. Шу боис яқинда бутун юрт бўйлаб кенг нишонланган ва бутун дунё бўйлаб тараннум этилган мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллиги тантаналарининг асосий ғояси бўлмиш "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" дея айтамиз, дунёнинг қаерига бормайлик, қай соҳада фаолият кўрсатмайлик, шу улуғ таянчимизга суянамиз, ғурурланамиз, фахрланамиз.

**Исажон СУЛТОН,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**

ЖАҲОН 24 соат ичида

*Буюк Британия меҳнат бозори, аста-секинлик билан бўлса-да, яхши томонга ўзгариб бораяпти, дейилади "Евроньюс" телеканали хабарида.*

## Меҳнат бозорида ижобий кўрсаткич




Мамлакат миллий статистика бошқармаси маълумотларига кўра, август ойида бу ерда ишсизлар сони 32,6 минг кишига камайган. Бундай ижобий натижа сўнгги саккиз ойда биринчи марта кузатилмоқда. Шунга қарамай, ҳозир Буюк Британияда 1,4 миллион нафар меҳнатга лаёқатли кишининг бандлиги таъминланмаган.

## Етакчилар сафига қўшилди

*Ўтган йил якунлари бўйича хорижий давлатларга инвестиция киритиш борасида Хитой дунёдаги етакчилар сафидан жой олди.*

Жумладан, 2012 йилда ушбу мамлакат йўналтирган сармоя ҳажми 17,6 фоизга ўсган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан тайёрланган маърузада қайд этилишича, Чин юрти бу борада АҚШ ва Япониядан кейин учинчи поғонага кўтарилган.

## Парвоз чоғида интернет

*АҚШ авиакомпанияларига қарашли барча самолётлар интернет тармоғи билан таъминланади.*



Мутасаддилар буни мижозлар талабидан келиб чиқиб амалга оширишмоқда. Чунки йўловчиларнинг 90 фоизи тармоқдан фойдаланиш учун қўшимча ҳақ тўласа-да, амалда улардан 20 фоизи ушбу хизматдан баҳраманд бўлади. Бу эса сўнгги пайтларда норозилик келтириб чиқараяпти.

Маълум қилинишича, айни пайтда мамлакат авиакомпанияларига тегишли аксарият самолётларда "Wi-Fi" (симсиз интернет) тизими ишлаб турибди. Аммо фойдаланувчилар сони кўпайгани сари глобал тармоққа боғланиш қийин кечмоқда. Шу боис мазкур масалага масъул "Gogo Inc" компанияси яқин келажакда йўловчилар сониясига 60 Мб.гача тезликда маълумотларни қабул қила оладиган интернет хизматидан фойдаланиши кафолатланишини билдирган.

## Катта миқдорда фойдани мўлжалламоқда

*Жанубий Кореянинг "Samsung Electronics" компанияси жорий йилнинг учинчи чорагида 10 триллион вон (9,15 миллиард АҚШ доллари) миқдорида фойда олишни мўлжалламоқда.*

"FnGuide" таҳлил компанияси унинг савдо ҳажми ушбу даврда 60,19 триллион вонни ташкил этишини башорат қилган.

Маълумки, жорий йилнинг июль ойида "Samsung Electronics" смартфонлар сотишда илк бор асосий рақобатчиси — "Apple" компанияси-(АҚШ)ни ортда қолдирди. Айни пайтда унинг жаҳон смартфонлар бозоридаги улуши 30,4 фоизга етган. "Apple"да эса бу рақамлар 13,1 фоизга тенг бўлиб турибди.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

● Реклама ва эълонлар ●

**Ўзбекистон Республикаси**
**Давлат божхона қўмитаси**
***«Тошкент-аэро»***
***ихтисослаштирилган божхона комплекси***



***компьютер ва оргтехника аппаратларини***
харид қилиш бўйича танлов эълон қилади.

**Танлов ҳужжатларини олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, «Тошкент» халқаро аэропорти.**
**Мурожаат учун телефонлар:**
**(8-371) 120-86-30, 120-86-49.**

**Таклифлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун ичида қабул қилинади.**

1538А/896

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

**қуйидаги ихтисосликлар бўйича 2014 ўқув йили учун академия катта илмий-изланувчилиги ҳамда мустақил-изланувчилиги учун ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

**КАТТА ИЛМИЙ ХОДИМ-ИЗЛАНУВЧИЛИК:**
*(ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун)*

**07.00.11** — Миллий хавфсизлик муаммолари — 3 та ўрин (тарих, ҳуқуқ, иқтисод йўналишлари бўйича).
**08.00.13** — Менежмент — 2 та ўрин (бошқарув менежменти ва қарорлар қабул қилиш назарияси йўналишлари бўйича).

**Талаб қилинадиган ҳужжатлар:**
- ариза;
- маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- диплом нусхаси;
- тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
- илмий журналларда ва нашрларда эълон қилинган илмий мақолалар (камида учта) ҳамда тезислар (камида иккита) нусхалари;
- илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш юзасидан ўтказилган тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ОАК ҳужжатининг нусхаси (фан кандидати дипломига эга талабгорлар бундан мустасно);
- етакчи олимлардан бирининг уни илмий консультант сифатида белгилаш юзасидан ёзма розилиги;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этадилар.

**Қабул имтиҳонлари рўйхати:**
- мутахассислик;
- Ўзбекистон тарихи;
- фаннинг билиш назарияси ва методологияси;
- чет тили.

Шу билан бирга, «Бошқарувда информацион технологиялар асослари» фанидан суҳбат ўтказилади.

**МУСТАҚИЛ-ИЗЛАНУВЧИЛИК:**
*(ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун)*

**07.00.11** — Миллий хавфсизлик муаммолари (тарих, ҳуқуқ, иқтисод йўналишлари бўйича).
**08.00.13** — Менежмент (бошқарув менежменти ва қарорлар қабул қилиш назарияси).

**Талаб қилинадиган ҳужжатлар:**
- ариза;
- иш жойидан тавсифнома;
- маълумотнома;
- олий таълим ёки фан номзоди тўғрисидаги дипломнинг нусхаси;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- талабгорнинг илмий ва илмий тадқиқот фаолиятга лаёқати юзасидан тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ОАК ҳужжатининг нусхаси;
- илмий ишлар ва илмий ҳисоботлар (патентлар) рўйхати.

**Ҳужжатлар шу йилнинг 15 октябридан 15 ноябригача қабул қилинади.**

**Манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 45-уй.**
**Мурожаат учун телефон: (8-371) 232-61-42.**
***Электрон манзил: khuzhaniiazova73@mail.ru***

1502А/856

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2006 йил 6 мартдаги ЖСК-1-88/2006-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Мичурин дала-ҳовличилар» ҳудудида жойлашган пешайвон (терасса), ертўла, айвон, шийпон (беседка), бассейн ва ёзги ошхонадан иборат 67-сонли дала-ҳовли такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 133 843 291 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 30 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 27 сентябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.**
**Телефон: (8-371) 228-79-52. www.1kms.uz**

1557R/1453

*Лицензия: RR-0001.*

**ООО «FOLGOIZOL KAFOLAT»**

**предлагает кровельные и гидроизоляционные материалы.**

***ФОЛЬГОИЗОЛ NUR-IZOL NUR-FLEX — изготовлено по новейшей технологии.***





Предлагаем сотрудничество на выгодных условиях.
Гарантируем качество и надежность.

Телефоны: (+99890) 175-65-00,
(+99890) 982-75-96.
www.folgoizol.uz

**«Universal Auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдоларига таклиф этади.***

*2013 йил 15 октябрь куни соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:*

- Узун тумани СИБ томонидан хатланган, Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 15 апрелдаги 19-1306/1166-сонли ижро варақасига асосан, Узун тумани, «Агротехсервис» ММТП МЧЖда сақланаётган, 2008 йилда ишлаб чиқарилган «CLAAS DOMINATOR-130» русумли комбайн, давлат рақами 04-94 ЕЦ.

*Бошланғич баҳоси — 51 425 743 сўм.*

- ФИБ Сариосиё туманлараро судининг 2013 йил 17 майдаги 01-745-сонли ва 01-747-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Узун тумани ОАТБ «Микрокредитбанк»да сақланаётган:
- 1998 йилда ишлаб чиқарилган «Tico» русумли автомашина, давлат рақами 75 Y 873 AA.

*Бошланғич баҳоси — 10 203 966 сўм.*

- 1985 йилда ишлаб чиқарилган «ВАЗ-2107» русумли автомашина, давлат рақами 19 А 5878.

*Бошланғич баҳоси — 6 737 182 сўм.*

- 1985 йилда ишлаб чиқарилган «МТЗ-80Х» русумли трактор, давлат рақами 05-45 СН, техник қисман соз.

*Бошланғич баҳоси — 18 500 000 сўм.*

- Олтинсой тумани СИБ томонидан ЖИБ Денов тумани судининг 2013 йил 28 майдаги 1-43-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтинсой тумани суди ҳовлисида сақланаётган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган «ВАЗ-21061» русумли, давлат рақами 19 М 4126, техник носоз.

*Бошланғич баҳоси — 2 700 000 сўм.*

- Қумқўрғон тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 3 майдаги 19-1306/1179-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қумқўрғон тумани, Чаёнтепа маҳалласида қарздор «Олтин чигит» қўшма корхонасининг омборхонасида сақланаётган:
- «КамАЗ-53212» русумли автомашина, давлат рақами 75 923 FAA.

*Бошланғич баҳоси — 30 576 021 сўм.*

- «КамАЗ-53212А» русумли автомашина, давлат рақами — 75 921 FAA.

*Бошланғич баҳоси — 30 576 021 сўм.*

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан 1 кун олдин соат 11.00 да тўхтатилади.

*2013 йил 30 сентябрь куни соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги автомототранспорт воситалари қўйилади:*

- Денов тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 5 ноябрдаги 19-1107/11087-сонли, 2012 йил 30 декабрдаги 19-1201/19362-сонли, 2012 йил 11 июлдаги 19-1201/9023-сонли, 2012 йил 4 июндаги 19-1208/6908-сонли, 2012 йил 30 июлдаги 19-1203/9988-сонли, 2012 йил 8 октябрдаги 19-1206/13939-сонли, 2012 йил 8 октябрдаги 19-1206/13941-сонли, 2010 йил 31 январдаги 19-1007/18946-сонли, 2012 йил 11 июндаги 19-1208/6737-сонли, 2011 йил 4 июлдаги 19-1106/5329-сонли ва 2012 йил 13 августдаги 19-1208/8145-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Денов тумани ИИБ ДЙҲХХ жарима майдончасида сақланаётган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СНГ ЛАСЕТТИ BDC» русумли, давлат рақами 75 414 САА.

*Бошланғич баҳоси — 32 654 620 сўм.*

- Термиз шаҳар СИБ томонидан Термиз ҳарбий судининг 2011 йил 21 апрелдаги 15-сонли ҳукмига ва 2011 йил 3 июндаги 23-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз гарнизони ҲАНда сақланаётган:
- 1984 йилда ишлаб чиқарилган, «АДД ММЗ-45021» русумли автотранспорт воситаси, давлат рақами 19 М 05 10, техник носоз.

*Бошланғич баҳоси — 7 554 331 сўм.*

- 1984 йилда ишлаб чиқарилган, «ЗИЛ-133ГЯ» русумли автомашина, давлат рақами 19 К 15-26, техник носоз.

*Бошланғич баҳоси — 3 069 713 сўм.*

- ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2012 йил 14 майдаги 1-102-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳар ИИБ жарима майдончасида сақланаётган, «УРАЛ» русумли кажавали мотоцикл, таъмирталаб.

*Бошланғич баҳоси — 75 003 сўм.*

- ЖИБ Қизириқ тумани судининг 2013 йил 18 апрелдаги 1-20-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳар ИИБ ЙҲХБ жарима майдончасида сақланаётган, ишлаб чиқарилган йили номаълум «HONDA» русумли автотранспорт воситаси, давлат рақамисиз, техник носоз.

*Бошланғич баҳоси — 3 867 000 сўм.*

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2013 йил 30 сентябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2013 йил 17 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2013 йил 30 сентябрь кунидаги савдога 27 сентябрь куни соат 16.00 ва 17 октябрь кунидаги савдога 16 октябрь куни соат 11.00 да тўхтатилади.

Савдога қўйилган автомототранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal Auktsion Invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХОАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалининг МФО: 01063, СТИР: 302083379, 20208000204932168018 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

***Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили:***
**Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси, 32-уй, «Тадбиркорлар маркази». Мурожаат учун телефон: (+99898) 100-86-86.**

1542А/870

***Гувоҳнома № 004059.***

## Фермернинг корхонаси

*Денов туманидаги "Лочин" фермер хўжалигида 10 турдаги колбаса маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослаштирилган янги технологик линия ишга туширилди.*

ИЗЛАНИШ

Бунинг учун фермер хўжалиги томонидан 60 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланди.

Айни пайтда "Лочин" фермер хўжалиги ёрлиғи билан қадоқланаётган гўшт ва гўшт маҳсулотлари арзон ҳамда сифатлилиги билан харидорларга манзур бўлмоқда.

— Фермер хўжалигимизнинг ўзида 2 минг бошдан зиёд қорамол боқилаяпти, — дейди иш бошқарувчи Музаффар Алимардонов. — Шу боис хом ашё ўзимиздан чиқаяпти. Қолаверса, бу орқали сутни қайта ишлаш цехимизда тайёрланаётган кефир, сметана, қаймоқ, творог, пишлоқ сингари маҳсулотлар таннархи ҳам пасаймоқда.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Тошкент педиатрия тиббиёт институти жамоаси Болалар касалликлари пропедевтикаси кафедраси доценти Рихситилла Нишанбаевга волидаи муҳтарамаси **ТОЖИ аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# Спортнинг сирли олами

ШИЖОАТ



# Гўзаллик оҳанрабоси

...Ўшанда Ҳусниябону ўн бир ёшда эди. Матлабхон буви бир куни неварасининг қўлидан тутиб, "Қизим, сени "Нафис" (спорт мажмуаси)га олиб бораман, гимнастика билан шуғулланасан", деб қолди. Ҳусниябонунинг ўжарлиги тутди. Бола эмасми, "Йўқ" дея оёқ тиради. Аммо табиатан юмшоқфеъл, киши кўнглини топишга уста момо неварасини кўндирди. "Бир бориб ўз кўзинг билан кўргин, ёқмаса майли, сен айтгандек бўла қолсин", деди.

— Бувимнинг айтганларига кириб, "Нафис" мажмуасига бир бордиму бу ерга ипсиз боғланиб қолдим, — дея эслайди ўша кунларни у. — Қизларнинг нафис ва енгил ҳаракатлари, қунт билан машқ қилишлари, машғулотлар ўтказиш учун яратилган шарт-шароитларни кўриб, ўзимни бошқа бир дунёга тушиб қолгандек ҳис этдим. Мураббийнинг ишораси билан қандай қилиб улар сафига бориб қўшилганимни ўзим ҳам сезмай қолдим. Бувимнинг руҳлари шод бўлсин. У киши худди аввалдан билгандек, "Ҳали кўплаб катта ютуқларга эришасан", деганлари рост бўлиб чиқди.

Дарҳақиқат, бадиий гимнастика билан мунтазам шуғулланишни бошлаган Ҳусниябону Ғуломова спортда ҳавас қилса арзийдиган натижаларга эришди. Вилоят, мамлакат миқёсидаги мусобақаларда муваффақият қозониб, Ўзбекистон терма жамоасига жалб этилди. Нидерландия, Франция каби бир қатор давлатларда ўтказилган халқаро турнирларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. 2010 йилда Тошкентда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида ғолиб чиқди.

— Ғалабаларимнинг ҳар бири мен учун қадрли, — дейди қаҳрамонимиз. — Лекин Осиё чемпиони бўлганим алоҳида аҳамиятга эга. Ўшанда якка чиқишларда биринчи ўринни қўлга киритдим. Жамоавий беллашувларда ҳам жамоадошларим билан муваффақият қозондик. Ўз Ватанингда, минглаб мухлислар кўз ўнгида ғалаба нашидасини суриш бошқача бўларкан.

Эътиборлиси, Ҳусниябону қисқа вақт оралиғида шундай юксак натижаларни қўлга киритди. Яъни унинг машғулотларга астойдил ёндашгани муваффақиятларни узоқ куттирмади. Ваҳолонки, мазкур спорт турига қизлар, одатда, 5-6 ёшида қабул қилинади. Ҳусниябону эса 11 ёшидан бошлаб машғулотга қатнай бошлаганди. У орадан тўрт-беш йил ўтар-ўтмас мамлакат ва халқаро миқёсдаги нуфузли турнирларда ғолиб чиқа бошлади. Спортда эришган юксак натижалари туфайли 2010 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди.

— Спортни ташлаб кетмоқчи бўлган пайтларингиз ҳам бўлганми? — дея сўраймиз ундан.

— Шундай ҳоллар учраган, — дейди бунга жавобан Ҳусниябону. — Машғулотлардан чарчаб, толиқиб, ўзимга "Бўлди, бас, етар" деган пайтларим бўлган. Лекин ҳар сафар нимадир спортдан кетишимга қўймайди. Бу бадиий гимнастиканинг оҳанрабоси бўлса керак.

Чиндан ҳам, нафис спорт тури саналган бадиий гимнастиканинг оҳанрабоси бор. Кейинги йилларда бу спорт турига бўлган қизиқиш ҳар қачонгидан ошгани, эҳтимол, шундандир. Масалан, спорт устаси Ҳусниябону Ғуломова бадиий гимнастика сирларини ўрганган Бухоро шаҳридаги "Нафис" гимнастика маркази негизида айни дамда 5-сон ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактаби фаолият кўрсатмоқда. Бу мактабда 182 нафар қиз бадиий гимнастика билан мунтазам шуғулланаяпти. Улар орасида Дилдора Ҳайитова, Дилноза Бақоева, Гулноз Алиева сингари иқтидорли қизлар бор. Дарвоқе, улар яқинда Германияда бўлиб ўтган халқаро турнирда биринчи ўринни эгалладилар. Шундай экан, Ҳусниябону Ғуломова, Сарвиноз Холиқова, Замира Санақулова, Дарья Свечникова сингари бухоролик таниқли бадиий гимнастикачи қизларга муносиб издошлар етишиб чиқаяпти, деб ишонч билан айта оламиз.

Ҳусниябонуга келсак, у айни дамда Бухоро тиббиёт коллежининг учинчи босқичида таҳсил олмоқда. Лекин спортдан узоқлашиш ниятида эмас. Мақсади — устози Римма Хохлова каби таниқли мураббий бўлиш. Демак, унинг "Бадиий гимнастикага ипсиз боғланиб қолдим", дегани бежиз эмас. Спортнинг сири, жозибаси шу бўлса керак-да.

**И. ИСРОИЛОВ.**

## Олимпиада дастурида қолади

**Сўнгги вақтларда спорт курашлари (эркин, юнон-рум ва аёллар кураши) ёзги Олимпиада ўйинлари дастуридан чиқариб ташланиши мумкинлиги ҳақида гап-сўзлар пайдо бўлганди.**

Халқаро олимпия қўмитаси (ХОҚ)нинг Буэнос-Айресда ўтказилган навбатдаги сессиясида ушбу масала ҳам кўриб чиқилди. Яъни анжуманда Олимпиада ўйинлари тарихидаги энг қадимий спорт турларидан бири — эркин, юнон-рум ва аёллар кураши овозга қўйилди. Якунда 49 та овоз тўплаган спорт курашлари 2020 ва 2024 йилларда ўтказиладиган нуфузли мусобақалар дастурида қолдирилди.

ЭЪТИБОР

Сайхун соҳилидаги мафтункор шаҳар — Бекобод ҳақида гап борганда, "металлурглар шаҳри" деган ибора кўп ишлатилади. Бизнингча, эндиликда ушбу сифат қаторига ҳеч иккиланмай "спортсеварлар шаҳри" таърифини қўшса ҳам бўлади. Негаки, ҳудудда кейинги йилларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, аҳоли, хусусан, ёшларни спортга кенг жалб этиш борасида ибратга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда. Буни шаҳарда қад ростлаган муҳташам ва замонавий спорт иншоотлари ҳамда уларда яратилган шарт-шароитлар мисолида яққол кўриш мумкин.

# Обод шаҳарнинг кўркам стадиони

Шаҳар марказида янги бунёд этилган "Металлург" стадиони Бекободнинг кўрку тароватини янада очиб юборди.

Мукаммал архитектура, замонавий дизайн уйғунлигида қурилган мазкур иншоот жаҳон стандартларига мос келади.



Стадион ўз бағрига 15 минг томошабинни сиғдира олади. Унда ҳар бир мухлис учун алоҳида ўриндиқ ўрнатилган бўлиб, бу ўйинларни кўришда қулайлик яратади. 112x73 метр ҳажмдаги футбол майдонига махсус табиий чим тўшалган. Эътиборлиси, у йилнинг тўрт фаслида ҳам ўз ранги ва тароватини йўқотмайди. Дренаж тармоқлари кучли ёғингарчилик пайтида ҳам майдондан бемалол фойдаланиш имконини беради. Шунингдек, стадион катта қувватдаги мукаммал ёритиш тизимига эга. Хорижда ишлаб чиқарилган, 5x8 метр ўлчамли йирик электрон табло орқали ўйин пайтида мухлислар зарур ахборотлар билан аниқ ва равшан танишишлари мумкин.

"Металлург" стадиони ўзига хос мажмуа шаклида бунёд этилган бўлиб, у 65 ўринли меҳмонхона, тамаддихона, кийиниш ва ювиниш хоналари, анжуманлар зали, матбуот маркази, трансляция ва репортёрлар хонаси, шунингдек, кутубхона ҳамда спорт-соғломлаштириш бўлинмаларига эга.

Таъкидлаш жоизки, мазкур иншоот олий лигада тўп сураётган "Металлург" клуби ҳамда футбол ишқибозларига "Ўзметкомбинат" очиқ акциядорлик жамиятининг ўзига хос туҳфасидир. Уни бунёд этишга комбинат томонидан 16 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

Дарвоқе, футбол ишқибозларига яхши маълум, "Металлург" юртимиздаги олий лига клублари орасида четдан кам легионер ёллайдиган жамоа ҳисобланади. Бу клубда иқтидорли ёшлар тарбиясига, ўринбосарлар тайёрлашга алоҳида масъулият билан ёндашилаётгани самарасидир. Масалан, янги стадион қошида махсус болалар футбол мактаби ҳам иш бошлаган бўлиб, ҳозир бу ерда 350 нафарга яқин иқтидорли болалар малакали мутахассислар ёрдамида футбол сирларини эгаллашмоқда.

— "Металлург"нинг ўз майдонидаги ўйинлари минглаб ишқибозлар кўз ўнгида кечади, — дейди шаҳардаги "Ўзбекистон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Раҳматилла Олимов. — Бундан қарийб олтмиш йил муқаддам қурилган эски стадион ўйинчиларга ҳам, мухлисларга ҳам кўп ноқулайликлар туғдирарди. Боз устига, марказий учрашувларда томошабинлар сиғмай қолган вақтлар ҳам кўп бўлган. Янги майдон эса жоннинг роҳати. Ишончим комилки, футболчиларимиз бундай юксак эътиборга жавобан баланд марраларни забт этишади.

**СУРАТДА:** "Металлург" футбол мактаби тарбияланувчилари янги стадионда машғулот пайтида.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.**

Бу йилги ёз фаслининг сўнгги ойи "миллионлар ўйини" ихлосмандларининг алоҳида диққат-эътиборида турди. Чунки "футбол бозори" янгидан-янги рекордлар, кутилмаган қарорлар ва қизиқарли воқеа-ҳодисаларга бой бўлди.

# Ким ишончни оқлайди?

ТРАНСФЕР

Сўзимизни Англиянинг "Тоттенхэм" жамоасидан Испаниянинг "Реал Мадрид" жамоасига ўтган Гарет Бейлдан бошласак. Айтиш жоизки, мазкур трансфер футбол тарихида энг қиммат нархга харид қилинган ўйинчилар рўйхатини янгилаб берди. "Қироллик клуби" уэльслик чарм тўп устасини ўз либосида кўриш учун 100 миллион евродан воз кечди.

Бир зумда дунё оммавий ахборот воситаларида янграган ушбу хабар кимгадир ёқди, кимнингдир эса ғашини келтирди. Айниқса, Криштиану Роналду мухлисларининг ҳайратга тушгани рост. Чунки шу пайтгача энг қиммат футболчи сифатида айнан португалиялик ўйинчи эътироф этиб келинаётганди. Хўш, Бейл шунча маблағга арзийдими? Ҳозир мазкур савол жуда кўп янграмоқда. Бунга фақат мавсум давомида жавоб топиш мумкин.

Маълумотларга кўра, жорий йилги трансфер бозорида ўтган йилдагига нисбатан 29 фоиз кўп маблағ сарфланибди. Ана шу пулларнинг асосий қисми Франциянинг "ПСЖ" ва "Монако" жамоалари ҳиссасига тўғри келди. Жумладан, "Пари Сен-Жермен" "Наполи"дан 63 миллион евро эвазига ҳужумчи Эдинсон Кавенини, 50 миллион еврога эса ҳимоячилар Маркиньос ва Люк Диняни харид қилди.

"Монако" юқори лигага қайтгач, мақсадни катта қўйган кўринади. Буни "Атлетико Мадрид" ҳужумчиси Радамель Фалькаога сарфланган 60 миллион евро, "Порту" футболчилари Жоао Моутинью ва Хайме Родригесга кетган 70 миллион евродан ҳам билиш мумкин. Бундан ташқари, жамоа моҳир ҳимоячилар Рикардо Карвалью ва Эрик Абидални текинга қўлга киритишга муваффақ бўлди.

Англия клублари орасида бу йилги рекордни Лондоннинг "Арсенал" жамоаси "илиб" кетди. "Канонирлар" ўз тарихида ҳам илк марта бир ўйинчи учун 50 миллион евро сарфлашди. Бу маблағга Мадриднинг "Реал"идан Месут Ўзилни сотиб олдилар. Лекин ушбу савдо испаниялик мухлисларни анча ранжитгани рост.

"Олди-сотди" савдосидан "Барселона" ҳам четда турмади. Жамоа бразилиялик порлаб келаётган Неймер исмли "юлдуз"ни "Сантос" жамоасидан 57 миллион еврога харид қилди.

Мураббийлар орасида ҳам "келди-кетди" жараёни кузатилди. Масалан, "МЮ"нинг отахони Сэр Алекс Фергюссон 26 йиллик фаолиятидан сўнг, ўз ўрнини "Эвертон"ни бошқариб келган Дэвид Мойесга бўшатиб берди. "Бавария"нинг янги мураббийлигига Хосеп Гвардиола номзоди лойиқ кўрилди. Карло Анчелотти Париждан Мадридга, Жозе Моуриньо эса Мадриддан Лондонга йўл олди.

Айтганча, молиявий тарафдан "бақувват" бўлмаган жамоалар ҳам шов-шув қилишга улгуришди. Айтайлик, Италиянинг "Милан" жамоаси "Реал"дан бепулга Какани қайтариб олди. Ҳолбуки, бир пайтлар ушбу ўйинчи 68,5 миллион евро эвазига "Қироллик клуби" либосини кийганди.

Навбатдаги футбол мавсумида мухлисларнинг нигоҳи янги харид қилинган ўйинчиларда бўлиши, шубҳасиз. Кўрамиз, сарфланган пуллар қандай самара бераркин.

**Иззат САҲОБИДДИНОВ.**




# Ялангоёқ чемпион

**Мусиқа оламининг машҳур намояндаларидан бири — Хулио Иглесиас 20 ёшига қадар Испаниянинг "Реал" клуби дарвозабони бўлган. Аммо автоҳалокатга учраб, уч йил касалхонада ётиб қолади. Ўша пайтларда у фақатгина қўлларини қимирлата оларди, холос. Хулио вақтини фойдали машғулотга сарфлаш мақсадида дастлаб гитара чалишни, кейин эса хиргойи қилишни машқ қилади. Шу тариқа у санъатга кириб келган.**

Одатда сариқ ва қизил карточкалар футболчиларнинг қўполлиги учун кўрсатилади. Аммо ҳакам Энди Уэйн "Питерборо Норт Энд" — "Роял Мэйл" клублари ўртасидаги баҳсда, Мелвин Силвестр эса "Саутгемптон Армс" — "Херстборн Таррант Бритиш Легион" жамоалари ўзаро қарама-қаршилиги пайтида ўзини майдондан четлатади. Уэйн қизил карточкани дарвозабон билан жанжаллашиб қолгани учун, Силвестр эса футболчилар билан зиддиятга киришгани учун ўзини жазолаб, стадиондан чиқиб кетган.

***Эфиопиялик Абебе Бикила 1960 йили Рим шаҳрида ўтказилган Олимпиада ўйинларида марафон баҳсларини оёқ яланг югуриб ғолиб чиққан. Ваҳолонки, пойга аввалида турнир ҳомийси — "Адидас" компанияси унга кроссовка берганди. Лекин Абебенинг оёқ кийимлари ҳеч қаердан топилмаган.***

*1960 йилга қадар ёзги Олимпиада ўйинлари дастуридан аёллар ўртасида 800 метрга югуриш баҳслари чиқариб ташланган эди. Бунга 1928 йили Амстердамда ўтказилган мусобақада маррага етиб келган саккиз спортчидан олти нафарининг аҳволи оғирлашиб қолгани сабаб бўлган.*

***Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.***

БИЛАСИЗМИ?

Инсоннинг ҳар томонлама соғлом, бақувват, руҳан тетик ва хотиржам бўлишида доимий ҳаракат, жисмоний мукаммаллик муҳим роль ўйнайди. Йоглар амал қиладиган анъанавий машқлар ҳамда маънавий-ахлоқий қарашлар негизида айнан шу уйғунликни кўриш мумкин.

Йога машқларини ёшидан қатъи назар, кенг омма вакиллари, хусусан, талабалар, ишчилар, идора ходимлари, ишбилармонлар ва катта ёшдаги инсонлар бажариши мумкин. Ундаги ҳаракатлар замонавий спорт турларига қараганда анча осон бўлиб,

Дарвоқе, бугунги кунда қатор мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам замонавий тиббиёт соҳасида, хусусан, психотерапияда йоганинг руҳий толиқиш ва кучли ҳаяжонни йўқотишдаги афзалликларидан унумли фойдаланилмоқда.



# Йога машқлари

## хотиржам ва соғлом бўлишга ёрдам беради

Сир эмаски, бугунги кунда саноати ривожланган мамлакатларда кўпчилик аҳолининг соғлиғига гипокинезия (камҳаракатлилик) ва сурункали стресс ҳолати жиддий хавф солмоқда. Шарқ халқларининг анъанавий бадантарбия усуллари, хусусан, йога машқлари инсонни ҳар томонлама ўсиб-улғайишга, комилликка ундайди. Ўқишда, ишда ёки оилада, умуман, жамиятда бекаму кўст шахс бўлишга ёрдам беради.

"Йога" сўзи қадимги санскрит тилидан олинган бўлиб, "бирлашув" маъносини билдиради. Бу бирлашув инсон танаси ва унинг руҳий ҳолатидаги мувозанатда кўринади. Кўпгина манбаларда, жумладан, 1988 йилда нашр этилган "Ҳиндистон энциклопедияси"да изоҳланишича, йог бу — йога мутахассислигини мукаммал эгаллаган шахс. Унинг дунёқараши ва фикрлаши спортчиникидан тубдан фарқ қилади. Яъни жисмоний машқлар билан бирга, руҳий сокинлик, хотиржамликка ҳам алоҳида аҳамият қаратилади.

Машҳур йоглардан бири Б. Лиянгарнинг фикрига кўра, профессионал спортчи белгиланган машқларни бажариш жараёнида куч йўқотади ва қолаверса, машғулотлардан кейин ўзини сувга, овқатга ташна сезади. Йог эса, аксинча, ўз машқларида жисмонан тин олиш баробарида, хотиржамликка эришади. Машғулотдан сўнг овқатланиш ҳақида ўйламайди, умуман, моддият тўғрисида қайғурмайди.

бажариш учун махсус мактабни битириш ёки алоҳида курсларга қатнашиш шарт эмас. Машқларни Йога қўлланмаларига таянган ҳолда уй шароитида ҳам бемалол ўзлаштириб олса бўлади. Кунлик меъёр ўртача бир-икки маротаба бўлиб, эрталаб ва кечқурун индивидуал тарзда ярим соатдан бир соатгача вақт давомида шуғулланиш тавсия этилади. Муҳими, машқларни секин-асталик билан ўрганиш лозим, жисмоний зўриқишга йўл қўймаслик керак. Йоганинг айрим машқлари мураккаб жисмоний тайёргарликни талаб этиши сабабли улар ҳомиладор аёллар, турли беморлар, хусусан, яқиндагина жарроҳлик амалиётини ўтказган кишиларга тавсия этилмайди.

Бундан ташқари, маҳаллий поликлиникалардаги шифокорларимиз томонидан кўпчиликка тавсия қилинаётган "даволовчи жисмоний тарбия машқлари"да ҳам йога ҳаракати элементлари талайгина.

Айрим йога машғулотларини мисол тариқасида келтириб ўтиш мумкин. "Важрасан" деб номланувчи машқни бажариш учун гилам ёки одеялда оёқларингизни тиззалардан буккан ҳолда ўтиринг. Бел ва бўйнингиз тўлиқ вертикал ҳолат кўринишини ташкил этсин. Қўлларингизни тиззаларингизга қўйинг. Кўзларингиз тўғрига, битта нуқтага қарасин. Энди нормал нафас олинг. Овқатни тезда ҳазм қила олмайдиганлар ушбу машқни тамадди қилганларидан сўнг бажарсалар сезиларли натижага эришадилар. "Важрасан" оёқларни толиқишдан ҳам фориғ этади. Шунингдек, манбаларда эътироф этилишича, у қон қуйқаси билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда ва бел, тизза оғриқларини бартараф этишда ҳам қўл келади.

"Чакрасан" машқи қуйидаги тартибда бажарилади: гилам ёки одеялда орқангиз билан тўғри ётинг. Оёқларингиз бири-биридан маълум масофада узоқроқ турсин. Қўлларингизни кўтаринг ва уларни орқангизга олинг. Тирсагидан букинг ва қўл кафтларини полга юза қилиб қўйинг. Оёқларингизни ҳам полга жойланг. Энди қўлларингиз ва товонларингизда бутун танангизни мувозанатлаштиринг ва шундай ҳолатни ушлаб туринг. Бошингизни осилтиринг. Танангиз ярим айлана шаклда бўлмоғи лозим. Кўкрак ва қорнингизни қўлингиздан келганича чиқаринг (одатдаги "кўприк" — "мост" машқи каби). Бошланишида ушбу машқни камроқ вақт бажарганингиз маъқул. Мунтазам шуғулланишлар натижасида эса вақтни узайтирса бўлади.

Мазкур машқ тананинг орқа қисмини тўғри ва эгилувчан қилади. Бундан ташқари, у кўкрак ва ошқозон билан боғлиқ касалликларни даволашда ҳам қўл келади. Қўллари кучсиз ва боши тез-тез оғриб турадиган беморларга шифо беради.

Қисқаси, йоганинг фойдали жиҳатлари кўп. Буни синаб кўргач, албатта, амин бўласиз.

**Б. АЛИМОВ.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 954. 79 193 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.00 Топширилди — 23.20 1 2 3 4 5